

ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Хайитов Жамшид Холвоевич

“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Ушбу мақолада ободонлаштириш хизматларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали ҳал этилмаган қатор муаммолар мавжудлиги ҳамда ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ободонлаштириш хизматлари, атроф-муҳит, ижтимоий барқарорлик, режалаштириш, коммунал қурилиш, уй-жой ва ер.

FOREIGN EXPERIENCE OF THE PROVISION OF LANDSCAPE SERVICES SYSTEM

Khaitov Jamshid Kholboevich

Assistant of department of “Digital economy”
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. In this article, special attention is paid to beautification services, suggestions and recommendations are given on the existence of a number of unsolved problems in the further development of private entrepreneurship in the field of organization of transportation of solid household waste and their use, as well as the importance of paying special attention to these problems.

Keywords: Development services, environment, social sustainability, planning, public construction, housing and land.

Ҳар бир шаҳарнинг кундалик фаолиятини таҳлил қилиш бу ўша шаҳардаги бир қанча ечимини кутиб турган муаммоларга дуч келишдир. Энг эътиборли томони шундаки, ободонлаштириш хизматларининг ривожланиши бу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини ифода қилишнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бироқ ободонлаштириш тизими тармоғини ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири, бу бугунги кунда ушбу тармоқни такомиллаштиришга эътиборнинг камлигидадир. Шу сабабли эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизнинг барча шаҳарлари ва туман марказлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади.

Дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари учун шаҳарлардаги, айниқса мамлакат пойтахтларидаги экологик тозалик барча даражадаги расмий ҳокимият органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари ва шу билан биргаликда аҳолининг алоҳида эътибор марказида бўлади.

Шаҳарларни ободонлаштириш ҳамиша энг долзарб вазифа сифатида намоён бўлган. Ободонлаштириш сўзини икки хил маънода тушуниш мумкин: тор маъно ва кенг маънода.

Биринчидан, тор маънода – уй–жой, ҳовли ва фақатгина бир кишига ёки оила аъзоларига тегишли бўлган ҳудуд.

Иккинчидан, кенг маънода – режалаштириш, коммунал қурилиш, уй–жой ва ер масалалари, йўлаклар, шаҳарнинг яшил майдонлари, кўчаларни парвариш қилиш, кўча транспорти, шаҳар алоқалари, шаҳар ёритилиши, иситиш, шаҳар экологияси, пиёдалар қатнови зич бўлган ва кам бўлган йўлаклар шулар жумласидандир.

Шаҳарларни ободлиги, бу ўша шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, даражасини акс эттирадиган “ойна”дир, шунинг учун ривожланган мамлакатларда мамлакат ободлиги, унинг экологик вазиятлари тўғрисидаги маълумотлар жамоатчиликка очик бўлиши ва

жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида етакчи ўринлардан бирини эгаллаши бежиз эмас албатта.

Йилдан-йилга аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарларни катталашини sanoatning ривожланиши, буларнинг барчаси шаҳар ободончилигига, атроф – муҳитни тоза сақлаш муаммосини пайдо бўлишига, инсонлар ҳаёти ва фаолияти учун етарли шароитларни яратиб беришдаги кичик–кичик кўз илғамас тўсиқларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги ўн йилликларни кўздан кечирар эканмиз, инсонларни атроф-муҳитга ва хусусан шаҳарлар ободончилигига салбий таъсири сезиларли даражада ошганлигига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда бутун дунёда чиқиндиларнинг инсонлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сабаби ҳар йили дунё бўйлаб 2 миллиарддан ортиқ каттик маиший чиқинди ҳосил бўлади ва улардан камида 33 фоизи экологик жиҳатдан хавфсиз бўлмаган усуллар билан қайта ишланади. Ўртача киши бошига кунлик тўғри келадиган маиший чиқинди 0,74 кгни ташкил этади, ҳудудлар кесимида унинг қуйи ва юқори чегаралари 0,1 дан 4,5 кг ораликда тебраниб туради. Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудудида дунё чиқиндисининг 23 фоизга яқин қисми шакланса, бу кўрсаткич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида энг кам – 6 фоизни ташкил этади.

Кўпгина давлатларда қаттик маиший чиқиндини қайта ишлашда бир неча давлат бошқарув даражалари иштирок этиб, маҳаллий даражадаги органлар асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий органлар чиқиндиларни тўплашда, ташишда ва қайта ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Улар, шунингдек чиқиндини олиб кетиш учун тўлов миқдорини белгилаш ваколатига эга бўлиши мумкин, чиқиндиларни йўқ қилиш, қайта ишлашга

лицензия ва рухсатнома бериш аксарият ҳолларда давлат ёки унинг ҳудудий ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда бутун дунёда чиқиндиларнинг инсонлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашга қаратилган катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сабаби ҳар йили етти миллион киши ҳаво ифлосланиши таъсирида вафот этади. Турли газлар таъсирида ифлосланишлардан келиб чиқадиган касалларни даволаш учун ҳар йили 1 триллион доллардан зиёд маблағ сарф этилади. Ҳавони ифлосланиши нафақат аҳоли саломатлиғига, балки атроф – муҳит учун ҳам жиддий таҳдидларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу ўз – ўзидан дарё, океанларда кислородни камайтиради, биологик хилма – хилликни камайтиради шу билан биргаликда иқлим ўзгаришларига ҳисса қўшади.

Ер юзидаги аҳоли пунктларида мавжуд бўлган аҳоли сони, иқлимий, жуғорфий ва бошқа ижобий ва салбий шароитлардан қатъий назар ўзлари учун зарур бўлган санитария–гигиеник шароитларни ва аҳолининг меҳнати, маиший турмуши ҳамда дам олишлари учун зарур қулайликларни юксак даражада таъминлашлари учун ободонлаштириш хизматларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Мамлакат ободлиги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи “ойна”дир, шунинг учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ободлиги, экологик вазиятлари ҳақидаги маълумотлар оммага очиқ бўлиши ва етакчи ўринлардан бирини эгаллаши бежиз эмас. Шундай экан ободонлаштириш жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаб беради деб бемалол айта оламиз.

Кўпгина давлатларда қаттиқ маиший чиқиндини қайта ишлашда бир неча давлат бошқарув даражалари иштирок этиб, маҳаллий даражадаги органлар асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий органлар чиқиндиларни тўплашда, ташишда ва қайта ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Улар,

шунингдек чиқиндини олиб кетиш учун тўлов миқдорини белгилаш ваколатига эга бўлиши мумкин, чиқиндиларни йўқ қилиш, қайта ишлашга лицензия ва рухсатнома бериш аксарият ҳолларда давлат ёки унинг ҳудудий ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатни ободонлаштириш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати нархлари турли Ўорижий давлатларда турлича белгилаб олинган: АҚШда ягона тарифга асосан, Канадада идиш ҳажмига қараб, Сеулда умумий тўловда ва бошқалар.

АҚШ шаҳарларида чиқиндини олиб кетиш одатда ягона тариф бўйича амалга оширилади. Ушбу хизматнинг ўртача ойлик нархи 9 дан 70 АҚШ долларгачани ташкил қилади. Чикагода жойлашган турар-жой биноларида яшовчи аҳоли Кўчалар ва санитария департаменти томонидан тақдим этиладиган чиқиндини ташиш хизмати учун ҳар бир турар-жойга ўртача ойлик 9,5 АҚШ доллари миқдорида пул тўлайди. Мазкур сумма сув ва канализация хизматлари билан биргаликда умумий умумий коммунал тўлови таркибига киритилган.

Канаданинг Торонто ва Австралиянинг Сидней шаҳарларида чиқинди идишининг ҳажмига қараб тўловлар амалга ошириладиган тарифлар дастури амал қилади. Тўлов миқдори 270-516 АҚШ долларини ташкил этиб, унга аҳолини чиқиндисини олиб кетиш, кўча чиқиндиларини, органик, габарити катта бўлмаган ва металл жисмларни ҳамда эски электроника буюмларини тўплаш, қайта ишлаш киради.

Амстердамда чиқинди учун тўлов оилада яшовчи фуқаролар сонига қараб амалга оширилади, бир киши турадиган хонадон учун йиллик 326 евро миқдоридаги тўлов амалга оширилса, бир неча кишилик оила 435 еврогача маблағ сарфлаши мумкин.

Сеулда фуқаролар квартира ҳақи учун умумий тўловни тўлайди, унинг таркибига электр энергияси, сув, ҳудудни тозалаш, лифтларга хизмат кўрсатиш, чиқиндини олиб кетиш каби хизматлар киради. Чиқинди

учун тўлов “қўшимча хизматлар” таркибига киритилган бўлиб, умумий тўловнинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда ўрнатилади. Жанубий Корея чиқиндини қайта ишлаб тизимининг яна бир ўзига хос жиҳати бу озиқ-овқат чиқиндисини алоҳида жамланишидир. Ҳар бир чиқинди йиғиш шохобчасида озиқ-овқат қолдиқларини ташлаш учун алоҳида контейнер ажратилган, бироқ уни фақатгина ушбу чиқинди йиғиш шохобчасига бириктирилган турар-жой бинолари аҳолиси махсус карта орқали очиши мумкин. Қутига киритилган озиқ-овқат қолдиқларининг вазни автоматик равишда кутида ўлчанади ва фуқаро ҳисобига ёзиб борилади, ой якунида барча ҳисоблар жамланиб, қолдиқни утилизация қилиш ҳаражати чиқарилади ҳамда у қўшимча хизматлар таркибида квартира ҳақи учун умумий тўловга қўшилади.

Умуман ушбу давлатларда чиқиндиларни таснифлаш, тўплаш, ташиш ҳамда маҳаллий, саноат ва хавфли чиқиндиларни қайта ишлашнинг асосий жиҳатларини тартибга солувчи қонунчилик амал қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2013 йилдаги 4-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги ПК-3182-сонли Қарори, Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3302438>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. (2020 йил 24 январь). [https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_republikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2020_yil_24_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_republikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar))

4. Б.А. Ходжаев (раис), А.Р. Тохтаев, Ш.Т. Шоназаров, Х.Х. Очилов. Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.

5. Хмельченко, Е.Г. Роль управления благоустройством территории в формировании имиджа города / Е.Г. Хмельченко, К.И. Заиц // Вестник университета. – 2017. – № 4. – С. 38–42.

6. Коньшева, Л.А. Благоустройство территории муниципального образования как метод повышения качества жизни населения / Л.А. Коньшева // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты: материалы Международной конференции. – 2017. – С. 552–556.

7. Khayitov, J. (2023). Improving The Organization Of Landscaping Services–Time Requirements. Science and innovation, 2(A1), 137-140.

8. Kholvoevich, H. J. (2022). Services In The Development Of The Network Of The Landscaping System. International journal of trends in business administration, 12(1).

9. Хайитов, Ж. Х. (2022). ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ–ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА РАВНАҚИ УЧУН ЗАРУР. Журнал Инновации в Экономике, 5(3).

10. Norkulova, D., & Xayitov, J. (2023). Iqtisodiyot, atrof-muhit, jamiyat va madaniyat o‘rtasidagi muvozanatga–obodonlashtirish xizmatlarining ta’siri.

11. Kholvoevich, H. J. (2023). THE IMPORTANCE OF THE DEMAND FOR LANDSCAPING SERVICES IN ECONOMIC DEVELOPMENT. Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595), 3(6).